## ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ № 603/2

20 22 й "27" "январ" Жиззах.ш

Р.И.Э.И.А.Т.М. Ж. ф-ли (кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади) номидан
(корхонанинг номи ёки жисмоний шахснинг Ф.И.О)

низом асосида фаолият юритувчи Бўриатов Хасан. У. ва
(устав, ишончнома ва бошқалар.) (корхона учун шартнома тузишни расмийлаштиришга ваколатли шахснинг Ф.И.О)

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Республика Инкассация хизмати давлат унитар корхонаси Жиззах вилоят бошқармаси бошлиғи (кейинги ўринларда "Ижрочи" деб юритилади) номидан ишончнома асосида иш юритувчи бошқарма бошлиғи **М. З. Разиқов** мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

### 1. Шартноманинг предмети

1.1 Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича ижрочи буюртмачининг топшириғига кўра мазкур шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган тарифлар асосида хизматларни кўрсатиш мажбуриятини олади, буюртмачи эса кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 Ижрочи кейинги ўринларда "Хизматлар" деб аталадиган қуйидаги тарифлардан бири бўйича(тариф Буюртмачи томонидан олдиндан танланади) хизматлар кўрсатиш мажбуриятини олади:

| № | Ой давомида инкассация қилинадиган накд пул тушуми миқдори | Фоиз тарифи * (бир ойлик инкасса-ция қилинган пулга нисбатан) | Қатъий нарх тарифи ** (бир ойлик абонент тўлови) | Қатновлар тарифи*** (бир қатнов нархи) | Бир ойлик чекланган қатновлар сони **** |
|---|---|---|---|---|---|
| *1* | *2* | *3* | *4* | *5* | *6* |
| 1 | 1 сўмдан - 1 млн. сўмгача | 7,5 % | 60 000 | 20 000 | 3 |
| 2 | 1 млн. сўмдан - 3 млн. сўмгача | 6 % | 80 000 | 22 000 | 4 |
| 3 | 3 млн. сўмдан - 5 млн. сўмгача | 2,66 % | 100 000 | 25 000 | 4 |
| 4 | 5 млн. сўмдан - 10 млн. сўмгача | 2 % | 175 000 | 27 000 | 10 |
| 5 | 10 млн. сўмдан - 20 млн. сўмгача | 1,75 % | 250 000 | 29 000 | 10 |
| 6 | 20 млн. сўмдан - 50 млн. сўмгача | 1,25 % | 500 000 | 31 000 | 20 |
| 7 | 50 млн. сўмдан - 100 млн. сўмгача | 1 % | 750 000 | 33 000 | Якшанба ва байрам кунларидан ташқари ҳар куни 1 марта (ўртача бир ойда 25 кун) |
| 8 | 100 млн. сўмдан - 150 млн. сўмгача | 0,75 % | 1 000 000 | 44 000 | |
| 9 | 150 млн. сўмдан - 200 млн. сўмгача | 0,66 % | 1 100 000 | 48 000 | |
| 10 | 200 млн. сўмдан - 350 млн. сўмгача | 0,55 % | 1 200 000 | 53 000 | |
| 11 | 350 млн. сўмдан - 500 млн. сўмгача | 0,34 % | 1 400 000 | 62 000 | |
| 12 | 500 млн. сўмдан - 750 млн. сўмгача | 0,28 % | 1 600 000 | 72 000 | |
| 13 | 750 млн. сўмдан - 1 млрд. сўмгача | 0,21 % | 1 800 000 | 79 000 | |
| 14 | 1 млрд. сўмдан - 2 млрд. Сўмгача | 0,18 % | 2 000 000 | 90 000 | |
| 15 | 2 млрд. сўмдан - 4 млрд. Сўмгача | 0,10 % | 3 000 000 | 135 000 | |
| 16 | 4 млрд. сўмдан - 6 млрд. Сўмгача | 0,075 % | 4 000 000 | 175 000 | |
| 17 | 6 млрд. сўмдан - 8 млрд. Сўмгача | 0,066 % | 5 000 000 | 220 000 | |
| 18 | 8 млрд. сўмдан - 10 млрд.сўмгача | 0,064 % | 6 500 000 | 285 000 | |
| 19 | 10 млрд. сўмдан - 15 млрд.сўмгача | 0,063 % | 8 000 000 | 350 000 | |
| 20 | 15 млрд. сўмдан - 20 млрд. сўмгача | 0,055 % | 10 000 000 | 440 000 | |
| 21 | 20 млрд. сўмдан - 35 млрд. сўмгача | 0,050 % | 12 000 000 | 530 000 | |
| 22 | 35 млрд. сўмдан - 50 млрд. сўмгача | 0,035 % | 14 000 000 | 615 000 | |
| 23 | 50 млрд. сўмдан - 75 млрд. сўмгача | 0,028 % | 17 000 000 | 750 000 | |
| 24 | 75 млрд. сўмдан - 100 млрд. сўмгача | 0,023 % | 20 000 000 | 880 000 | |
| 25 | 100 млрд. сўмдан юқори | 0,02 % | 30 000 000 | 1 320 000 | |

*Изоҳ: *  **Фоиз тарифи тўлови** - ой давомида инкассация орқали топширилган нақд пул тушуми миқдоридан келиб чиқиб тегишли фоизга кўпайтириш йўли билан аниқланади. Бунда ой давомида мижозга бориладиган чекланган қатновлар сони жадвалнинг 6-устунида белгиланган.*

***  **Қатъий нарх тарифи тўлови** (абонент тўлови) - ой давомида инкассация орқали топширилган нақд пул тушуми миқдоридан келиб чиқиб хизмат ҳақи тегишли қатъий белгиланган нархга асосан аниқланади. Бунда ой давомида мижозга бориладиган чекланган қатновлар сони жадвалнинг 6-устунида белгиланган.*

*Мижоз буюртмасига асосан чекланган қатновлар сонидан ташқари ҳар бир қўшимча қатнов учун ҳақ ой давомида инкассация орқали топширилган нақд пул тушуми миқдоридан келиб чиқиб жадвалнинг 5-устунига мувофиқ аниқланади.*

****** Қатнов тарифи тўлови** - ой давомида инкассация орқали топширилган нақд пул тушуми миқдоридан келиб чиқиб тегишли қатнов нархини ой давомида мижозга бориладиган чекланган қатновлар сонига мос равишда (жадвалнинг 6-устунида) кўпайтириш йўли билан аниқланади.*

*Барча тарифларда дам олиш (якшанба) ва байрам кунлари учун ҳақ ушбу шартноманинг 3.1. банди 5 устунига мувофиқ 2 баробар миқдорида ҳисобланади. Бунда ой давомида инкассация орқали топширилган нақд пул тушуми миқдоридан келиб чиқиб тегишли қатнов нархи мижозга дам олиш (якшанба) ва байрам кунлари борилган қатновлар сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади.*

*Шунингдек, бир ойлик белгиланган қатнов сонидан ташқари қўшимча қатнов учун ҳақ ушбу шартноманинг 3.1. бандидаги тарифнинг 5-устунида кўрсатилган миқдорда тўланади. Бунда ой давомида инкассация орқали топширилган нақд пул тушуми миқдоридан келиб чиқиб тегишли қатнов нархи мижозга борилган қўшимча қатновлар сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади.*

***** **Бир ойлик чекланган қатновлар сони** - мижоз томонидан ой давомида инкассация орқали топшириладиган нақд пул миқдоридан келиб чиқиб бир ойлик чекланган қатновлар сони белгиланади.*

1.3 Хизматлар кўрсатиш муддати шартнома Ғазначилик органларида рўйхатга олиниб 30% аванс тўлов ўтказилгандан сўнг ___10___ кун мобайнида.

Ижрочи хизматлар кўрсатиш бўйича ишларни муддатидан олдин бажариш ҳуқуқига эга.

1.3.1 Хизматлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин кўрсатилган деб ҳисобланади.

## 2. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Ижрочининг мажбуриятлари:

2.1.1. Хизматларни лозим бўлган сифатда бажариш.

2.1.2.Хизматларни мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда тўлиқ ҳажмда кўрсатиш.

2.1.3. Агар ижрочи хизматлар кўрсатиш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштирадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига асосан барча аниқланган камчиликларни ___1___кун ичида текинга бартараф этиш.

2.1.4. Ижрочи хизматларни бажариш бўйича ишни шахсан бажариши шарт.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

2.2.1. Буюртмачи томонидан кўрсатилаётган хизмат учун олдиндан 30 % туловни амалга оширади, қолган 70%и хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб ___10___кун ичида ҳақ тўлаш.

2.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Ҳар қандай вақтда ижрочининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажарилаётган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

2.3.2. Далолатнома имзолангунга қадар ҳар қандай вақтда шартномани бажаришдан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги ҳақидаги хабарнома олингунга қадар кўрсатилган хизматлар қисмига мутаносиб қисмини ижрочига тўлаш.

2.3.3. Мазкур шартнома Ғазначилик органларида рўйхатга олингандан кейин кучга киради ва 20 22 ___31___ ___12___га қадар амал қилади.

## 3. Шартнома баҳоси ва ҳисоблашишлар тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси ___3000.000 уч миллион сўм___ сўмни ташкил қилади.

3.2. Буюртмачи томонидан ижрочига кўрсатилган хизматлар баҳосини тўлаш ижрочининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

## 4. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. Мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган хизматлар кўрсатиш муддатини бузганлиги учун ижрочи буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.2. Кўрсатилган хизматлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.3. Тарафларнинг мазкур шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

## 5. Форс-мажор ҳолатлари

5.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнгин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)

5.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

5.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

## 6. Низоларни ҳал этиш тартиби

6.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

6.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни иқтисодиёт суди да

(Тарафлар томонидан низоларни ҳал этиш учун танланган суднинг номи ва жойлашган жойи кўрсатилсин)

кўриб чиқишга топширадилар.

## 7. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

7.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилиб ғазначиликдан рўйхатдан ўтгандан кейингина юридик кучга эга.

7.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

## 8. Якуний қоидалар

8.1. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланиб ғазначиликдан рўйхатдан ўтгандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди.Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга.Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

8.3. Шартномага илова ____________________

## Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

**«Ижрочи»**

Республика Инкассация хизмати ДУК
Жиззах вилоят бошқармаси
(Хизмат кўрсатувчининг номи)

Манзил:Жиззах шахар Ш. Рашидов кучаси 16-уй

Тел./факс 72-226-56-05, 72-226-56-71, 72-226-20-87
факс: 72-226-28-47
х/в 21596000300193414001
Банк номи: Марказий банк ҲККМ

МФО 00018 СТИР 201433254
IFUT 82910

**Рахбар: М.З.Разиков** ________ (имзо)

М.Ў.

**«Буюртмачи»**

Р.И.Э.И.А-Т.М. Жиззах ф.
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Жиззах шахар Истиқлол к-си 70 уй
Тел./факс ____________
ш/х* 401412186008400704320105400
Банк номи ТИФ милл.
х/в** ____________
МФО 00122 СТИР 202926885
ОКОНХ 91513
Ғазначилик бўлинмаси номи
вил. Ғазначилик бошқармаси
Ғазна х/в 23402000300100001010
Банкнинг номи Марказий банк ҲККМ
МФО 00014
ғазначилик бўлинмаси СТИРи 201122919

Рахбар Тошматов Х.У.
(лавозим) (Ф.И.Ш)
________ (имзо)

М.Ў.

*Ҳуқуқшунос:* ________ Нуриддинова Г. *Гувоҳнома №* 7
(имзо) (Ф.И.Ш)